

## ХОРАЗМ —ТАРИХИЙ ЎЛКА, ҚАДИМГИ ДАВЛАТ ВА КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ.

подполковник Аҳмедов Фарҳод Сайдалиевич  
Малака оширии институти Касбий тайёргарлик  
факультети Махсус фанлар цикли ўқитувчиси  
+99893 1171133  
+99899 8226327

**Аннотация:** Мазкур мақолада Хоразмнинг тарихий ўлкаси қадимги давлат ва Хоразмнинг илк давлатчилиги ҳақидаги манбалар бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар берилган.

**Аннотация:** В данной статье приводятся научно обоснованные предложения и рекомендации относительно древних корней ранней государственности Хорезма и источников о ранней государственности Хорезма.

**Annotation:** this article provides scientifically substantiated suggestions and recommendations on the ancient roots of the early statehood of Khwarezm and sources about the early statehood of Khwarezm.

**Таянч сўзлар:** Археолог, давлат, ҳудудлар, геолог.

**Ключевые слова:** археолог, государство, территории, геолог.

**Keywords:** archaeologist, state, territories, geologist.

Жалолиддин Мангуберди эл-  
юрт истиқоли учун курашган, шу  
йўлда азиз жонини қурбон қилган  
аждодларимизнинг буюк  
намояндасидир.

**Ш.М.Мирзиёев**

Мустақилликка эришганимиздан кейин ҳалқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, қадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиши ортиб бормоқда. Бу табиий ҳол. Одамзот борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабни, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар хулласки, Ватаннинг тарихини билишини истайди.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз тарихан қисқа муддат ичida дунё эътиборини тортаётган муваффақиятларни қўлга киритаётганлиги, ўзлигини англаган ҳалқ асл қадриятларига қайтиб, маънавий юксалганлиги, ҳаётимиз янада фаровоналашиб бораётганлиги, буни бугун ҳалқимизнинг обод турмуши, бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида, туман ёшларининг замонавий билим ва қасб-хунарларни эгаллаши, ҳаётга муносиб ўрнини топиши учун яратилган шароитлар мисолида ҳам кўриш мумкинлиги қайд этилди.

Шу қаторида Хоразм вилоятининг ҳам ўз тарихи бор. Қадимги Хоразм -Турон ва Эрон минтақалари оралиғида жойлашган бўлиб, тарихий ўлка ва қадимги давлат

хисобланади. Хоразм ҳудуди қадимда Амударё адокларидан жанубга томон Мурғоб ва Тажан дарёларининг юқори оқимларигача чўзилган. Шу боисдан бу қадимги тарихий ўлка фанда икки хил номланади. Қадимги Хоразм ва катта Хоразм номлари билан маълум. Хоразм ҳақидаги илк маълумотлар Авесто, Доро II нинг Бихистун китобалари, қадимги юонон муаллифлари (Гекатей, Геродот, Страбон ва бошқалар) ҳамда илк ўрта асрларнинг араб географлари асарларида учрайди.

Хоразм атамаси (топоними) Авестода Хваиризем, қадимги форсийчада Уваразмис, лотинчада Хорасмия ва юонончада Хоразмия деб юритилган. Арабча ёзма манбаларда бу ўлка Хворазм талаффузида тилга олинади.

Хоразм атамасининг семантикаси ҳақида бир қанча фикрлар мавжуд. Хоразм атамаси “Қүёшли ўлка”, “Қүёшли ер” деб аталиши ҳақиқатга энг яқин этнонимдир деб таъкидласада, Хоразмни “Хварри ёки Харри (Хуррий) ҳалқи ўлкаси”, “қўёш (ҳалқи) ери” деб изоҳлайди.

Қадимги Хоразм минтақалари ҳудудларининг ўзига хос табиати, шубҳасиз, қадимги аҳолининг турмуш тарзини белгилабгина қолмай, балки бу диёрда юзага келган қадимги маданиятларнинг шаклланиши, ривожи ва бир-бирига қоришувига ҳам кучли таъсир этган. Шу боисдан Хоразмнинг шимолий қисми (Оқчадарё делтаси)да мил. ав. 4-3 минг йилликларда овчилик ва балиқ овлаш билан кун кечирган аҳоли (қ. Калтаминон маданияти) яшаган бўлса, мил. ав. 2 минг йилликда эса чорвачилик ва дехқончиликнинг соддагина усулларидан хабардор бўлган қабилалар (қ. Тозабоғ ёп маданияти ва Сувёрган маданияти) истиқомат қилган. Мил. ав. 2 минг йилликнинг 2-ярмига борганда, хусусан, унинг охири ва мил.ав. 1-минг йиллик бошлари (9-8-асрлар) да суг орма дехқончилик мукаммаллашиб, яйлов чорвачилик ривож топган (қ. Амиробод маданияти). Бу даврда Тозабоғ ёп, Сувёрган ва Амиробод маданиятларини яратган қабилаларнинг қоришмаси асосида таркиб топган Кавунди (Кавонди) қабилалари яшаган. Улар Хоразмнинг қадимги аҳолиси массагетларнинг бевосита аждодлари бўлган. Кўчманчи чорвачилик, хусусан, йилқичиликнинг ривожи Хоразм аҳолисининг ижтимоий ҳаётига ҳам кучли таъсир этиб, суворийлар табақасини шакллантирган.

Хоразмнинг жанубий қисмида жойлашган водий ва воҳалар (Тажан, Ҳерируд, Мурғоб ва Гёксур) да эса мил. ав. 6-3 минг йилликларда ёқ ўтроқ суг орма дехқончилик маданияти қарор топиб, тарақкий қилган. Бу даврларда ушбу минтақа аҳолиси қабилалар уюшмасига бирлашиб, дехқончилик хўжалигида мотига (кетмон)дан ташқари омочдан ҳамда турли хилдаги катта- кичик сугориш иншоотларидан ҳам фойдаланган. Аввал улар сомонли гувалалардан бир хонали, сўнгра эса кўчалар бўйлаб гувала ва хом ғиштлардан бир неча хонали уйлар бино килиб, атрофи девор билан ўралган тураг жой ва истеҳкомли қишлоқлар барпо этган (қ. Жойтун маданияти ва Намозгоҳтепа).

Мил. ав. 2 минг йиллик охири 1-минг йиллик бошларида қадимги суғорма дехқончилик маданиятининг ҳудудлари шарқ ва жанубий шарқ томон кенгайиб, Ҳерируд водийсининг юқори оқимигача ёйилган. Шу боисдан Авестода Хваиризем ўлкаси Ареядан шарқда Ҳилманд водийсида жойлашгани ҳақида ишора қилинади.

Тарихий манбаларнинг таққосий таҳлилидан маълум бўлишича, хоразмийларнинг дастлабки ватани Бактриядан жанубда Ареядан шарқда, Ҳерируд

ва Ҳилманд дарёларининг юқори ҳавзасида жойлашган (яна к. Хоразмийлар). Шубҳасиз, хоразмийлар массагетлардан фарқли ўлароқ, парфянлар, марғиёналиклар, бохтариyllар, ареяликлар, гирканияликлардек сүғ орма дехқончилик ва унинг асоси ҳисобланган суғориш иншоотлар барпо этишда бой асрий тажрибага эга эдилар. Уларнинг қўп асрлик бинокорлик ва хунармандчиликдаги тажрибалари ва амалий кўнижмалари туфайли асрлар оша Амударё этаклари обод этилиб, йирик суғориш тармоқлари ва сув иншоотлари—дамбалар барпо этилган, хунармандчиликнинг барча соҳалари кенг ривож топган.

Хоразмда милоддан аввалги 4-асрнинг 2-ярмида мустақил давлат қарор топади. Абу Райхон Берунийнинг ёзишича, Хоразм давлатига афсонавий қаҳрамон Сиёвуш (Сиёваҳш) асос солган. Мил. ав. 328 й. баҳорида Ўрта Осиёга юриш қилган македониялик Александр (Искандар) қароргоҳига музокара қилиш учун Хоразм хукмдори Фарасман 1500 суворий билан ташриф буюрган. Фанда массагетлар конфедерацияси (туркуми) номи билан тилга олинган Хоразм давлатини афсонавий сиёвушийлар, аслида эса африғийлар сулоласи бошқарган. Давлат пойтахти дастлаб Тупроққалъа бўлган. Кейинчалик (305 й.) эса Кот шаҳрига кўчирилган. Беруний хоразмшоҳлардан 22 тасининг номини қайд қиласди. Аверси (бети)да тождор хукмдор, реверси (сирти)да суворий тасвири туширилган дастлабки кумуш танга Тупроққалъадан топилган. Танга мил. ав. 1-а.га мансуб. Нумизматик маълумотлардан аён бўлишича, бундай шаклдаги тангалар мил. 8-а.гача зарб этилган.

Хоразм давлати Ўрта Осиёда ташкил топган ўзига хос энг қадимги давлатлардан бири бўлиб, унда ўтрок зироаткор ва кўчманчи чорвадор аҳолининг удумлари, дехқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик каби хўжаликлар бошқарувини асрий тизимлари мужассамланган эди.

Демак, Хоразм аҳолисининг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида юз берган тадрижий ривожланиш унинг шимолий ва жанубий қисмларида, аввал бири иккинчисидан тубдан фарқланувчи 2 турдаги маданиятлар шаклланган. Сўнгра эса уларнинг қоришуви оқибатида Хоразмнинг ўзига хос юксак даражадаги маданияти юзага келиб, равнақ топган.

Хоразм вилояти бўйича бир қанча тарихий манбаларга асосланган маълумотларимиз терангина шу туфайли мактабгача таълим, мактабларда, техникум ва коллежларда қолаверса олий таълим муассасаларида ўқитилиб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 20 февралдаги “Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида Мамлакатимизда ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш, истеъододли ўғил-қизларни кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш учун зарур шароитлар яратиш борасидаги ишлар юқори самаралар бераётганлиги, Хоразм вилояти Хива шаҳрида Президент мактаби қурилишига тамал тоши қўйилган эди. Хоразм вилояти ҳокими Ф.Эрманов куни кечада Президент мактабига қабул қилинган 144 нафар ўқувчиларнинг ота-оналари ҳамда танловда ғолибликни қўлга киритиб, мактабда ўқувчиларга дарс бериш учун муносаб деб топилган фан ўқитувчилари билан учрашди ва уларни бу муваффақият билан табриклиди. Шундан сўнг ушбу ўқув масканининг қурилиш ишлари қай даражада олиб борилаётганини қўздан

кечирди. Ота-оналар ўз фарзандлариға яратилаётган бундай шароитлар учун Юртбошимизга ўз миннатдорчикларини мамнуният билан изҳор этди.

Шулар қаторида Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида Жалолиддин Мангуберди ёдгорлик мажмуаси очилиши, 25 мертрлик ҳайкалда саркарда «тулпор жиловини маҳкам тутиб, юрт ҳимоясига отланиб тургани тасвирланган». Унинг олдида Қуръони карим оятлари, саркарданинг шажараси ёзилган, оғирлиги 32 кг, баландлиги 30 см бўлган бу тошда Қуръони карим оятлари, Жалолиддин Мангубердининг шажараси ёзилган. Унинг асли ҳозирги кунда Лондондаги машхур Британия музейида сақланади. Мажмуа ўрин олган қарийб 8 гектар майдонда Ал-Хоразмий ва Ислом Каримов кўчаларида бунёдкорлик ишлари амалга оширилган. Ушбу майдон остидан ўтадиган автомобиль туннели барпо этилган. Ҳудудга 18 мингга яқин манзарали дараҳтлар, гуллар ва буталар экилган.

Президент буюк саркарда Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганиш, уни ҳалқ, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш зарурлигини таъкидлади. «Жалолиддин Мангуберди эл-юрт истиқоли учун курашган, шу йўлда азиз жонини қурбон қилган аждодларимизнинг буюк намояндасидир. Она юрга муҳаббат ва садоқат, ор-номус ва шон-шараф бобида Жалолиддин Мангубердига тенг келадиган улуғ шахслар дунёда камдан-кам учрайди», — деди давлат раҳбари.

«Чақмоқдек қисқа умри мобайнода ўзбек ҳалқига хос бўлган Ватанга чексиз муҳаббат ва садоқат, юксак ҳарбий салоҳиятни намоён этиб яшаган Жалолиддин Мангуберди каби буюк аждодларимиз билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак, арзиди. Ишонаман, орадан йиллар, асрлар ўтади, Султон Жалолиддин ҳамиша юртимизни кўз қорачигидай асраб-авайлаш, унга фарзандлик меҳри, иймон-эътиқод билан хизмат қилишининг ўчмас тимсоли бўлиб қолади», — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Ватан озодлиги йўлида жонини фидо қилган довюрак саркарда Жалолиддин Мангуберди жасорати унутилмасдир. Унинг синмас иродаси, қудратига ғанимлар ҳам таҳсин айтган. Хоразмшоҳлар давлатининг сўнгги вакили бўлган саркарданинг фавқулодда иқтидори, буюк жасоратига ҳали-ҳамон жаҳон аҳли ҳайрат билан қарайди. У ҳақда минглаб мақолалар, китоблар ёзилди, қўшиқлар куйланди. Бугун бобомизнинг шарафли номи ҳалқимиз қалбида улуғланади. Мамлакатимизда кўча ва хиёбонларга саркарда номи берилган, “Жалолиддин Мангуберди” ордени таъсис этилган, Урганч шаҳрида ҳайкали ўрнатилган бўлиб, тарихий ва замонавий анъаналар уйғунлигига янги бинолар, уй-жойлар барпо этилмоқда. Аҳоли турмуш шароитини яхшилаш мақсадида эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда буюк аждодларимиз меросини абадийлаштириш, улардан мерос хислатларни ёшларимиз онгига ҳам сингдириш, улар қалбида ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хозирги кунда Хоразм вилояти иқтисодиётини ривожлантиришга, саноат ва қишлоқ хўжалигини таркибий ўзгартиришга, ижтимоий обьектлар барпо этиш ва инфратузилмани яхшилашга, аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича бир қатор устувор вазифалар белгиланган.

Ўтган даврда ҳудудда кўплаб янги корхоналар, кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Саноат,

транспорт, қишлоқ хўжалиги, туризм, таълим ва бошқа соҳаларда истиқболли лойиҳалар хаётга татбиқ этилди. Йирик корхоналар, уй-жойлар, таълим муассасалари, ижтимоий-маданий объектлар қурилди. Яна кўплаб лойиҳалар бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

Хоразм вилоятида тўқимачилик саноатини ривожлантириш, “Dererlop Textile” МЧЖ томонидан “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зонаси, Шовот туманида аралаш ва пахта ип-калава ишлаб чиқариш бўйича янги йигирув фабрикаси, Урганч шаҳрида “Textile finanse Norezm” МЧЖ томонидан тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш, Малайзиянинг “Serba Dinamik Group” компанияси вице-президенти Палендрон Палачандран давлатимиз раҳбарига “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зонаси худудида каустик сода ишлаб чиқариш заводи барпо этиш инвестиция лойиҳаси бўйича қиймати 250 миллион доллар бўлган лойиҳа 100 фоиз компания инвестицияси томонидан амалга оширилиши белгилаб берилан. Корхона ишга тушгач, йилига 33 минг тонна каустик сода ва 30 минг тонна хлор ишлаб чиқарилиши, 150 та иш ўрни яратиладиган корхона маҳсулотлари тўлиқ экспорт қилиниши режалаштирилган.

Ўзбекистоннинг Малайзия, Саудия Арабистони, Туркманистондаги элчиҳоналари томонидан вилоятга хорижий инвестиция лойиҳалари олиб келинмоқда. Хусусан, Малайзиядаги элчиҳона томонидан каустик сода ишлаб чиқариш лойиҳасидан ташқари қандолат маҳсулотлари, тиббий косметология хизматлари кўрсатиш эстетик марказини очиш, тайёр тўқимачилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш, Саудия Арабистонидаги элчиҳона томонидан Хива шаҳридаги Оллоқулихон ва Қутлуг Мурод Иноқ мадрасаларини қайта таъмирлаб, уларда меҳмонхоналар ташкил этиш, “Обод қишлоқ” дастури доирасида Хоразм вилоятига Ислом тараққиёт банкининг 100 миллион долларлик имтиёзли кредитини жалб этиш, Туркманистондаги элчиҳона томонидан воҳага сайдҳлар оқимини кўпайтириш юзасидан лойиҳалар ишлаб чиқилганлиги тақсинга лойикдир.

Хоразм вилоятида жиноятчиликка қарши кураш, жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида «Хавфсиз ҳудуд», «Хавфсиз шаҳар» концепцияларига алоҳида эътибор берилиб, «Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак», деган туйғуни ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшлар онгига шакллантириш, бефарқлик, лоқайдликка барҳам бериш, пировардида, ҳар бир оила, таълим муассасаси, ҳар бир маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш, жамиятда тинч ва осойишта ҳаётни таъминлашнинг муҳим шарти эканини тушунтириб, «жамоатчилик назорати масканлари» фаолиятидаги ижобий тажрибаларни ўрганиш орқали уларни барча ҳудудларга татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки Хоразм —тарихий ўлка, қадимги давлат ва келажак пойдевори эканлигини ёш авлодга тушунтириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий меросимизнинг тарихий илдизларини ўргатиш, Ватан озодлиги йўлида қаҳрамонлик кўрсатган буюк аждодларимиз ва жасур замондошларимизнинг ибратли умр йўлини кенг тарғиб этиш тадбирларини қамраб олиб, хизмат бурчини бажариш бўйича қатъий ҳаётни эътиқодни қарор топтиришга қаратиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.